ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00429

ХУРМО МЕВАЛАРИНИ ТУРЛИ УСУЛЛАРДА ИПГА ОСИБ ОФТОБДА ҚУРИТИШ ТЕХНОЛИГИЯСИ

Абдуқодир Муҳаммадиевич Назаров
Тошкент давлат аграр университети тадқиқотчиси (PhD)

Мухамаджон Парпиевич Парпиев
Тошкент давлат аграр университети доценти

Малохат Холмуродовна Хакимова
Тошкент давлат аграр университети ассистенти

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонда иссиқ об-ҳаво шароитларининг узоқ вақт давом этиши сабабли хурмо мевасини бир-биридан ҳарорат шароитлари билан фарқ қилувчи куз даврларида бемалол қуритиш имконияти мавжуд. Ушбу илмий мақолада хурмо мевасини тоғли ҳудудда 3 хил усулда яъни ипга осиб қуритиш бўйича ўтказилган тажриба натижалари келтириб ўтилган. Тадқиқот натижаларига кўра Ўзбекистонда етиштирилаётган хурмо навлари ичидан қуритишга яроқлилари ажратиб олинган ва керакли тавсиялар берилган. Бунга кўра энг яхши кўрсаткич Хиакуме (назорат) – 30,5%, Зенджи-мару – 31,3%, Томапон – 27,7% ва Фую – 24,8% навларида кузатилди. Хурмо мевасини пўстини арчиб қайноқ сувга ботириб олиб ипга осиб қуритиш бўйича тажрибаларда энг кам қуритилган маҳсулот чиқиш миқдори Шенг навида кузатилди яъни 24,6 % ни ташкил қилди.

Калит сўзлари: нав; сув; етиштириш технологияси; самарадорлик, сақлаш; қуритиш.